



338

QARORI

2003 йил 18 » Октябрь

№ 435-К

**Тумандаги аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 27-моддасига асосан ҳамда қишлоқ ижтимоий инфраструктура дастурини жойларда бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, Оқдарё туман ҳокимининг 2001 йил 26-декабрдаги 364-Қ-сонли қарорини ўрганиб чиқиб, фуқароларни аризаларини инобатга олиб

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Оқдарё туман ҳокимининг 2001 йил 26-декабрдаги 364-Қ-сонли қарорига ҳамда А.Темур номли ширкат хўжалигининг 2000 йил 5-сентябрдаги 2-сонли, “Самарқанд” ширкат хўжалигининг 2000 йил 13-октябрдаги 23-сонли, “Янгиобод” ширкат хўжалигининг 2000 йил 14-августдаги 2-сонли, М.Улуғбек номли ширкат хўжалигининг 2000 йил 11-мартдаги 1-сонли, Р.Хамраев номли ширкат хўжалигининг 2000 йил 25-ноябрдаги 1-сонли, “Ўзбекистон” ширкат хўжалигининг 2000 йил 13-мартдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорларига асосан иловадаги фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0.08 гектардан ер майдони ажратилсин.

2. Ажратилган ер майдонларида қурилиш ишларини бош режа асосида амалга оширишни назорат қилиш туман бош меъмори С.Абдурахмоновга топширилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Ирисов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:- *Ш. Негматов* Ш.Негматов